

Мамлакатимизнинг шаркидаги газ магистрала Андижон вилоятида яқунлайди. Вилоят аҳолиси Фарғона водийсидаги «зангори олов» истеъмолчилари орасида охириги ўринда туради.

Ўтган йили андижонлик газчилар «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси ва вилоят хокимлигининг катта ёрдами билан аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича катта ишлари амалга оширди. Умумий узунлиги 30 километр бўлган газ қувурлари реконструкция қилинди. Вилоят марказида ётқизилган икки янги линия икки мазе ва беш даҳада газнинг узлуksиз узатилишини таъминламоқда.

Балиқчи, Бўз, Шахрихон, Олтинкўл туманларидаги газ магистраллари тўлиқ таъмирланди. Андижон тумани Куйганёр қишлоғида газ таъминоти станциясининг қурилиши низоҳасига етказилди. Хозирги вақтда Андижон шаҳридаги бир қатор кўчаларда янги линиялар ўтказилмоқда.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 1 феврал, сешанба № 18 (1859)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Ўтган йили бу ерда 11233,3 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Хозир сув омбори тўғонининг чап ва ўнг қирғоғида қозиш ишлари, шағалдан тўғон кўтариш, тўғон ядросининг остини очиш ва дамбасини кўтариш, сув чиқариш иншоотида эса ер ва бетон ишлари, вақтинчалик сув ўтказиш канали қурилиши ҳамда бетонли йўл қуриш юмушлари бажарилмоқда. Мингдан ортқ киши уч сменада ишлаяпти. Хар куни 194 та автомашина, 39 та экскаватор, 40 та бульдозердан унумли фойдаланилмоқда.

Суратларда: қурувчилар Солижон Сатторов ва Зоиржон Абдувалиевлар; сув омбори қурилишида. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

«РЕЗАКСОЙ» СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИДА

Чуст туманининг «Резаксой» қишлоғида йирик сув омбори қурилмоқда. Уни бош пудратчи сифатида Сурхондарё вилоятининг «Тўпаланг сувғасқурилиш» масъулият чекланган жамияти қурувчилари бунёд этмоқда. Уларга республикамизнинг кўплаб қурилиш-монтаж ташкилотлари яқиндан ёрдам беришяпти. Маълумотларга кўра, сув омбори қурилишининг биринчи навбатида 26032,8 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши лозим.



«Inter Sok» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси мева шартблатлари ишлаб чиқариш бўйича завод очди. ЯНГИ ЗАВОД - ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Заводнинг ишга туширилиши қўшма корхона раҳбарияти ва Россиянинг «Росконцентрат» ва «Фруктовый сад», «Я», «Тонус», «ФрутоНяня» савдо белгилари остида машҳур мева шартблатлари ишлаб чиқарувчи «Лебедянский» ОАЖ компанияларининг яқин ҳамкорлиги натижаси бўлди. Корхонанинг лойиҳа қиймати 2 миллион АКШ долларидан ошди. 60 дан ортқ киши иш билан таъминланади. Корхонанинг очилиши Ўзбекистонда эълон қилинган Ситх-саломатлик йили билан боғлиқ эканлигидан хурсандимиз, деди «Лебедянский» ОАЖ ижтимоий директори М.Тавказов. Мақсадимиз Ўзбекистон бозорини соғлом турмуш кечиришга ёрдам берадиган сифатли табиий махсулотлар билан тўлдирдишди. «TetraPak» компаниясининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган корхонада йилга 20 миллион литрдан ортқ мева шартблатлари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Асосий хомашё - Ўзбекистон заминининг неъматларидир. (ЎЗА)

ЙЎЛОВЧИГА ҚУЛАЙЛИК Самарқанд шаҳар жамоат транспорти тизими янги автобуслар билан бойлди. «Ўзтранслизинг» компанияси кўмағида шаҳардаги 2531 ва 2514-автожамланмаларга Россиядан 45 та, «ПАЗ» русумли

автобуслар келтирилиб, ҳозирда 9 та йўналиш бўйича қатновлар мунтазам йўлга қўйилди. Натижада йўловчиларга арзон ва ишончли транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Жамоат транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга фуқаролар бу имкониятдан фойдаланишмоқда. Наврўз байраминга яна 30 та ана шундай автобуслар келтирилиб, шаҳар аҳолиси хизматига қўйилиши мўлжалланган.

Касаба уюшмалари бугун уюшма, 704 миллион сўмлик ҳомиёлар маблағлари эвазига кийим-кечаклар олиб берилди. 180 та кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар фарзандлари дам олдирилди. Ўқув даргоҳларини таъмирлаш, камхарж оилалар фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида тadbirkорлар ва фермерлар билан изчил ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Таъ-

либ борилаётган тарғибот, тушунтириш, назорат ишларининг натижаси ўлароқ қонунбузилиш ҳоллари камаётганини айтдик. Лекин тadbirkорларга муносабатда ҳуқуқий меъёрлардан оғиш, қонун талабларини бажармаслик каби айрим салбий иллатлар учраётганини сир эмас. Масалан, Каттакўрғон туманидаги М.Улугбек номида ширкат ҳўжалиги раиси Р.Жалолов «Зебо» фермер ҳўжалигига ажратилган 4 гек-

Касаба уюшма ютуғи - жамоада манфаатлар ўй-ғуллигини таъминлашга боғлиқ. Соғда қилиб айтганда, меҳнаткаш ва маъмурият талаблари ҳамоханглиги жамоа шартномалари, келишувларда акс этиб, ижроси таъминланиши керак.

Оқолтин туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳисобот сайлов йиғилиши баландпарвоз сўзлардан ҳоли ана шундай ишчан руҳда бошланди. Қўмитанинг тумандаги вакили Анвар Жавлонов мазрузасида ҳисоб ўтилган йиллар таҳлили, эртанги кун режаси тўла намоеън бўлди. Туман касаба уюшмалари нималарга эришди? Қай ўринларда кўл қовуштириб турди? Меҳнаткаш талқинида қандай баҳосини топяпти. Сир эмас, туман маорифчиларига осон кечмаган лажалар ҳам бошдан ўтказилди. Собиқ мудирнинг ношудлиги, бош ҳисобчининг жамоа газнасини орқалаб гўмдон бўлган чоғлари касаба уюшмага ҳам енгил бўлмади. Турли томонлардан тош отилиб, лоқайдликда, томошабинликда айбонлар ҳам топилди. Аммо етакчи тинч ўтирган эмас. Икки ойлик маошнинг гўм қилиниши унинг ҳам қалбини тирнаб ўтганди. Вақолати доирасида қаттиқ уринди. Адолат қарор топмагунча, муаммалар жамоаси қонуний ҳақ-ҳўқуқлари тикланиб, маошлари ундириб берилмагунча тингани йўқ. Энг муҳими, ташкилот меҳнаткашларнинг ижтимо-

и-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳўқуқлари ҳимоясида собит туриб берди. Ўтган йиллар мобайнида ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳуқуқий билимларини ошириш мақсад қилиб қўйилган. Мана у йилдирик, ҳафтанинг хар жумаси ҳуқуқий саводхонлик куни, дея белги-

ПИРОВАРДА НАТИЖА ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

Касаба уюшма маблағлари олиб берилди. 180 та кам таъминланган, кўп фарзандли оилалар фарзандлари дам олдирилди. Ўқув даргоҳларини таъмирлаш, камхарж оилалар фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида тadbirkорлар ва фермерлар билан изчил ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Таъ-

ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ

Шу кўнларда республикамиз меҳнат аҳли, барча фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги мазрузасини зўр кизиқиш ва манфаатдорлик ила ўқиб ўрганмоқдалар. Мазкур тарихий ҳужжатда Юртбошимиз давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифалар тўғрисида батафсил тўхталиди. Таъкидланганидек, кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тўдан ўзгармоқда. Фермерлик кишлоқда ҳўжалик юртишининг энг истикболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда. Бугун республикамизда 85,5 минг фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва айнан улар хозирги кўнда муҳим кишлоқ ҳўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланмоқда. Демак, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб хисса қўшаётган фермерларни қўллаб-қувватлаш, тadbirkорлар сифини янада кенгайтириш бугунги кўннинг долзарб вазифаларидандир. Бирок, ҳаётий қузатишлар, таҳлил шўни кўрсатмоқдаки, оз бўлса-да кимлардир фермерлар олдига сўний тўсиқ қўйиб, таракийтга тўғаноқ бўлмоқдалар.

Иқтисодий ривожлантириш, соғлом рақобатни қарор топтириш учун мамлакатимизда тadbirkорлар фаолияти хар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, ўз махсулотларимиз кўпайиб, сифати яхшиланиб бораёпти. Барча турдаги фаолиятда қонунийлик даражаси ортаётгани янада яхши. Умуман ўзаро ишлаб чиқариш, ҳўжалик алоқалари доирасида, тadbirkорларга муносабатда қонунбузилиш ҳоллари камайгани кишини қувонтиради. Самарқанд вилоят адлия бошқармасига ҳўқуқлари бузилганиги ҳақида фуқаролар ва тadbirkорлардан 2004 йилда 260 та ариза тушган. Ишонч телефонига 72 марта мурожаат қилинган. Бу 2003 йилдагига нисбатан анча кам. Бу аризаларнинг аксариятида кўтарилган масалалар ижобий ҳал қилинди. Шу жараёнда тadbirkорларга бой берилган фойда, моддий ва маънавий зарар пуллари ундириб берилди. Олиб борилаётган тарғибот, тушунтириш, назорат ишларининг натижаси ўлароқ қонунбузилиш ҳоллари камаётганини айтдик. Лекин тadbirkорларга муносабатда ҳуқуқий меъёрлардан оғиш, қонун талабларини бажармаслик каби айрим салбий иллатлар учраётганини сир эмас. Масалан, Каттакўрғон туманидаги М.Улугбек номида ширкат ҳўжалиги раиси Р.Жалолов «Зебо» фермер ҳўжалигига ажратилган 4 гек-

Нўқтаи назар

Фермер ҳўжалиги раиси М.Нурматов вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари томонидан қонуний текшириш ўтказилганиги ҳақида республика Адлия вазирлигига мурожаат қилган. Масала ўрганилганда ҳақиқатан ҳам вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг I даража-ли мутахассиси О.Тўраев ва жамоатчи инспектор Б.Шарипов ўзбекистон Республикаси «Ҳўжалик юртиувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»-ги қонун, «Тadbirkорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун талаб-

ларини қўпол равишда бузиб, мувофиқлаштириш кенгашининг рухсатсиз ва вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг буйруғисиз «Сохиба» фермер ҳўжалигида текшириш ўтказилган. Натижада мазкур фермер ҳўжалигида 38 тул рақ табиати муҳофаза қилиш қўмитаси рухсатсиз қесилганлиги ҳақида далолатнома тузишган. Уларнинг бу қонунсиз ҳаракати уларнинг ўзига қимматга тушди. Суд қоронига биноан жарима тўлашди, унинг апелляция ҳайъати тadbirkорнинг давросини рад этди. Бу масалада Олий ҳўжалик суди ойдинлик киритди ва «Мўминжон» ҳўсусий фирмасига молиявий жарима нотўғри қўлланилганини эътироф этди. Ўтган йилга оид маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, унинг характерли бир жиҳати эътиборимизни тортиди. Тadbirkорларнинг ўзаро муносабатларида қонунбузилиш ҳолатлари сезиларли даражада камайиб бормоқда. Қонун талаби турли мансабдор шахслар томонидан бажарилмаётганини ҳамон учраб турибди. Ўтган йилги текширишлар натижасида қонунга риоя қилмаган 118 мансабдор шахс вазифасидан озод қилинган, 741 нафар ишчан нисбатан интизомий чора қўлланилган. Бу эса айрим мансабдорлар тadbirkорларга муносабатда эски андозалардан чиқа олмайганини кўрсатади. Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошқилигининг ўқибсоғари, Р.КЎРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Жаҳондаги энг қадимий ва нуфузли олий ўқув юртиларидан бири - Буюк Британиянинг Оксфорд университети ўз қондаларини ўзгартирадиган бўлди. Ушбу билим маскани раҳбарияти маҳаллий ва Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларидан қабул қилинувчи талабалар сонини камайитиришни ҳамда бунинг хисобига хорижий талабалар миқдорини кўпайитиришни маълум килди.

Оксфорд университети анъаналари ўзгармоқда аммолар сабаб бўлди. Таъкидламоқ жоизки, бугунги кўнда Оксфорд ўқитувчилари бошқа етакчи университетлардаги ҳамкасбларига нисбатан бир неча баробар кам ҳақ олмақда. Бу эса ўз навбатида мазкур олий ўқув юртидаги мутахассислар сонининг камайиши-

нида у Кембриж университетидан кейинги ўринга тушиб қолди. Бунга эса юзага келган молиявий му-

Шарҳловчи минбари мамлакатлардан келганлар эса бунинг учун 55 минг 800 фунт стерлинг ёки салкам 100 минг АҚШ доллари тўлаши керак бўлади. Университетда тахсил олувчиларнинг 7-8 фоизигина чет эл фуқароларидир. Бу эса молиявий даромадларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу боли Оксфорд раҳбарияти кўпроқ хорижий талабаларни ўқишга қабул қилишга қарор қилди. Уларнинг фикрича, шу йўл билан университет нуфузини, унинг илмий салоҳияти ва мутахассисларини сақлаб қолиш мумкин. (ЎЗА)

МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРМОҚДА

Тadbirkорлик, бизнес ва ҳўсусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тўдан ўзгартиришимиз керак, дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги мазрузасида. Бу борада Андижон вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатаси томонидан бир мунча ишлар амалга оширилди. Айни пайтда вилоятда 1 та ҳудудий, 4 та шаҳар ва 14 та туманда палатанинг бўлиmlари фаолият кўрсатяпти. Улар томонидан вилоятда кичик бизнес ва ҳўсусий тadbirkорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларни ахборот-маслаҳат билан таъминлаш ҳамда ҳўқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган йиллар давомида вилоятда бир неча ишбилармонларга хизмат қилувчи марказлар ташкил этилди. «Патент сервис», «Бизнес мактаб», «Тест сервис» ва бир қанча ўқув марказлари ана шулар жумласидандир. Фаолият кўрсатаётган субъектлардан бугунги кўнга келиб 12 мингта яқини палатага аъзоликка қабул қилинди. Уларнинг қарийб 10 мингтаи юридик шахслардир. Тadbirkорларга ўз вақтида зарур кўмак берилаётганлиги, улар билан ишлаш намунаси йўлга қўйилганини тўғайли бир қатор ижобий ютуқларга эришилмоқда. Буни юртимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган аънанавий «Ташаббус» кўрик-танлови натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Кўп йиллардан бери бўлиб ўтаётган мазкур нуфузли кўрикда вилоятдаги тadbirkорлик субъектлари юқори ўринларни эгаллаб келишаётир. Худудда айни пайтда 19 та ахборот-маслаҳат марказлари мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтган йилда 6060 та субъектларга 20 миллион сўмликдан ортқ хизматлар кўрсатилди. Марказларда тadbirkорлик асослари, инглиз тили, компьютер сабоқлари, инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш, бизнес-режа тайёрлаш, кредит олиш тартиби, бухгалтерия асослари ва солиқ тизимлари бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди. 2,5 минг нафардан ортқ киши ана шу курсларда ўз билимларини оширдилар. Соҳага 1998-2003 йиллар мобайнида тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 47 миллиард 920 миллион, бюджетдан ташқари фондлар томонидан 2 миллиард 250 миллион сўмлик кре-

дитлар ажратилди. Махсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Масалан, хозирги кўнда Андижон туманидаги «Саховат» кичик корхонасида «Ўз ДЭУ-авто» автомобиллари учун тормоқ коллодалари, Пахтабод туманидаги «ХХI аср» қўшма корхонаси томонидан дизел мойи ишлаб чиқарилмоқда. Булоқбоши туманидаги «Буюк кўлажак» кичик корхонаси эса «Ўз Донг Жу Пейнт» га қраска ишлаб чиқариш учун хомашё етказиб беришни йўлга қўйди. Кичик ва ҳўсусий бизнес субъектлари томонидан бир қатор экспортбор янги махсулотлар тайёрланаётганлиги ҳам кишини қувонтиради. Жумладан, шаҳардаги «Ривож» ҳўсусий корхонаси ишлаб чиқараётган янги турдаги эркаклар костюм-шими, «Интер-саноат» МЧЖда замонавий турли пойафзаллар, «Армандолюкс»да миллий ва европа усулидаги уст кийимлар, Шахрихондаги «Тарақийёт» фирмасида эса юқори сифатли эркаклар қўйлақлари ишлаб чиқарилаётир. Тadbirkорларга замонавий ахборотларни мунтазам равишда етказиб бериш, хорижий сармоядорларни қидириш топши мақсадида хорижда ва мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 7 та ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилди. Халқаро ривожланиш бўйича Агентлик-USAID, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги-JICA, Евросий Жамғармаси, ANA GROUP шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Россиянинг Ярославл савдо-саноат палатаси билан ҳам ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди. О.ЭРҒАШЕВ, «Ишонч» муҳбири

Ислоҳот инсон учун

ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ у қандай бўлиши керак?

«Намангантекстиль» акциядорлик жамиятида ҳисобот йилларида ходимлар иш шaroитини яхшилаш, меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғломлаштириш ва уларнинг дам олишларини ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси соҳасида катта ишлар қилинди.

Бунинг натижасида корхонадаги ишлаб чиқариш дастури ва бизнес-режадаги белгиланган тадбирлар ортиги билан бажарилди. Беш йил давомида минглаб тонна ип йиғирилиб, 95 миллион 679 минг погонметр газлама ишлаб чиқарилди. Энг асосийси, меҳнаткашлар доимий иш билан таъминлангани. Иш ҳақлари ҳам ўз вақтида бериб берилмоқда. Ишчиларнинг ойлик маоши йил сайин кўпайиб бораёти. Масалан, 1999 йил ўртача иш ҳақи 6200 сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 37 минг сўмга етди.

Аҳамиятли томони шундаки, бошқарув маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси ўзаро ҳамкорлиги икки томонга ҳам қўл келмоқда. Улар меҳнаткашларнинг ишончини оқлаш учун амалий масалалар билан шуғулланиб, ҳар бир ходимнинг энг кичик муаммоларига ҳам эътибор билан қарашаяпти.

Бошланғич касабга уюшма кўмитасида ўтказилаётган раёсат йиғилишларида ходимларнинг иш шaroитини яхшилаш, интизом, махсуслат сифати, ошхоналарда тайёрланаётган таомлар аҳоли, кам таъминланган, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш, маош тўлаш ҳамда меҳнат муҳофазаси каби ўта долзарб вазифалар изчиллик билан муҳокамга этилиб, уларнинг ижроси юзасидан аниқ тадбирлар белгиланаяпти. Унинг таркибиде 4 та фабрика, 5 та бўлим ва 29 та цех касабга уюшма кўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Айни пай-

лаб чиқариш санитарияси, майда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, дастгоҳлардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан назорат ишларини олиб боришаяпти.

Яна бир асосий вазифа болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этишдир. Акциядорлик жамиятига қарашли Янгиқўрғон туманида жойлашган «Камалак» дам олиш маскани нафақат корхонада, балки бутун вилоятда ўзининг илғор иш таърибаси билан машҳур. Мазкур маскан 240 ўринга мўлжалланган. У замонавий бинолар, соғломлаштириш бўлими, бассейни, ўйингоҳ, мевали боғ ва барча жиҳозлар билан таъминланган ошхонага эга. Ўтган йили ушбу оромгоҳда 850 нафар бола хордиқ чиқарди.

Вазирлар Маҳкамасининг болаларни соғломлаштириш ва дам олиш бўлими бундан ташқари биринчи республика доимий комиссиясининг қарорига асосан ўтказилган танловда «Камалак» болалар ёзги оромгоҳи биринчи ўринга сазовор бўлди.

Корхонада жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан бошқарув маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси тўқув ва биринчи йиғирув фабрикаларидаги спорт залларини тўла таъмирлаб, анжомлар билан таъминлади. Ўтказилаётган мусобақалар сони ва сифати ошганлиги оммавийликни таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Мини футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, енгил атлетика, «Отам, онам ва мен» каби ўтказилган бешлашларда акциядорлик жамиятининг спортчилари ғолиблик қилиб келишяпти.

Неъмат РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири



«БЕКАЖОН»

Эркиной Мамажонов Янгиер шахридаги «Бекажон-Ян» хусусий фирмаси раҳбари. Бундан ўн йил олдин тикувчилик, каштачилик билан шуғулланган Эркиной, ўз аτροφига қизларни йиғиб, уларга хунар сир-асорларини ўргата бошлади. Унинг бугунги кунгача тайёрлаган шогирдларининг сон-саногига етиш қийин.

Айни пайтда фирмада Янгиер шахри ва унга қўшни туманлардан келган қизлар бичиш-тиқиш, зардўзлик, элита пардаларини тикиш, пазандачилик каби хунарларни ўрганиш учун олти ойлик курсларда таҳсил олмақдалар.

Суратларда: «Бекажон-Ян» хусусий фирма раҳбари Эркиной Мамажонов (ўнгда) шогирди Вазира Тошматова билан; қизлар зардўзлик ва каштачиликдан сабоқ олмақда.

Муҳаммад КАРИМ (ЎЗА) олган суратлар

ДЕҲҚОННИНГ УЗОҒИ ЯҚИН БЎЛДИ

Гулистон туманидан фермер Абдуқаюм Эшонқуловнинг хўжалигида «Алтай» шудгор трактори ва «МТЗ-80» чопик трактори бор. Энди фермер ўтган йили пахтачиликдан олган даромади эвазига культиватор сотиб олишга қарор қилди. Бу борада «Машина-трактор парки» давлат акционерлик жамиятлари вилоят бирлашмаси ҳузурида ташкил қилинган «Кейс» техника маркази деҳқонларнинг узогини яқин қилди. Марказ Гулистонга «Чирчиқшилоқмаш» очик акционерлик жамияти цехларида ишлаб чиқарилган 129 культиватор олиб келди.

Бу ерда культиваторлар 2,6 миллион сўмдан сотилмоқда, - дейди А.Эшонқулов. - Бундай нарх бизга маъқул.

Техника маркази вилоятга жами чирчиқлик машина-созлар ишлаб чиқарган 266 та культиватор олиб келди. Бу техника мирзачўлик фермерлари нафақат нархи, балки сифати жиҳатидан ҳам қониқтирмоқда. (ЎЗА)



МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

«Галлабанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими ўрта ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда.

Банк кредити ҳисобидан Нукусдаги «Пол-Инвест» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳузурида пропилен қоплар ишлаб чиқарадиган кичик завод ишга туширилди.

Тўқсонга яқин янги иш ўринлари очилди. Ҳозир бу ерда чет эл технологияси асосида кунига 14 минг дона қоп ишлаб чиқарилмоқда.

ИБРАТ МЕТАЛЛУРГЛАР СУЛОЛАСИ

Бекободликлар ўзларининг кўркем шахарлари билан фахрланадилар. Чунки бу ерда Ўзбекистон металлургия комбинати жойлашган бўлиб, унда 8 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. 30 - 40 йиллаб меҳнат қилиб, ўз тақдирини қадрдон корхона билан боғлаганлар жуда кўп. Оталар ишини давом эттириб келаётган баъзи хонадонлардан ўз беши, етти кишилаб меҳнат қилаётган сулолалар бу ерда кўплаб топилади. Бундай оилаларнинг қай бири ҳақида гап очсангиз иш қийинда ҳам, маҳалласида ҳам илик гаплар эшитиб, кўнглингиз равшан тортади.

Ҳақим Хусайиновлар хонадони ҳам ана шундай сулолалардан. У ўз оиласи билан эрта тонгдан юмушга отланади. Оила ҳаёти, корхона ҳаёти билан гўё боғлаб кетгандай. Хонадон соҳиби Ҳақимжон 1976 йилнинг августиде корхона биринчи навли прокат цехига ишга қабул қилинди. Илк мураббий Герасим Цой унга ускуналарни сошлаш, ўзи бажараётган иш сифатини назорат қилиш сирларини унга ўргатди.

Цехдаги печларда эритилиб, қайнаган ёрда махсус қолиплар ёрдамида қовурғали арматураларга айлантирилади. Олов бўлиб ёниб турган темирлар катта тезлик билан цехнинг нариги бурчига томон йўналтирилади. Емирилган жойлар пайвандаш йўли билан тўлдирилади ва ишга яроқли холатга келтирилади.

Ҳақимжоннинг иш фаолияти, дўстларига бўлган муносабати ҳақида ҳамкасбларидан илик гаплар эшитасиз. Айниқса, цехдаги уста Фарўжон Мусаев, техника хавфсизлиги муҳандиси Мусурмонқул Тожибоевлар моҳир ишчи ҳақида кўплаб яхши фикрларни билдирдилар. Улар унинг бир ўринда салкам 30 йил ишлаб, меҳнати доимо тах-

синга сазовор бўлиб келаётганлиги, касбдошлари олдида хурмат-эътиборга эга эканлигини таъкидлашди. Шунинг учун ҳам корхонанинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан бир гуруҳ ишчилар қаторида Ҳақимжон ҳам «Шухрат» медал билан тақдирланди.

Ишда, қувноқ дўст, оилада меҳрибон ота бўлган Ҳақим Хусайинов шу корхонада меҳнат қилиб, бахтли оила соҳиби бўлди. Унинг оила аъзолари ҳам бирин-кетин ўз тақдирларини корхона ҳаёти билан боғлаб бошладилар. Турмуш ўртоғи Рисолат комбинат маданият саройида меҳнат қилади. Фарзандлари Нодирбек ва Шахнозалар ҳам ушбу корхона цехларида касб эгаси бўлдилар. Гулноза эса ўқишини тугатгач, албатта металлургалар сафига қўшилишга бел боғлаган.

Темир ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

«БАРАКА»НИНГ САМАРАЛИ ЛОЙИХАСИ

Ўтган йили «Барака» универсал лизинг компанияси томонидан қиймати салкам олти юз эллик миллион сўмлик йиғирма беш лойиҳа молиялаштирилди. Бу 2003 йилдагидан йиғирма беш фоиз кўп дедик.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалиги машиналари, озик-овқат, полиграфия, тиббиётда кенг қўлланадиган замонавий технология линия ва ускуна-жиҳозлар, шунингдек, юк ва йўловчи ташиш транспорти воситалари қулай шартлар асосида етказиб берилди, - деди компания бош директори Алишер Мўминов ЎЗА мухбирига. - Низом жамғармаси бир ярим миллиард сўм бўлган муассасамиз лойиҳаларига айниқса, Фарғона, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ва пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари катта қизқиш билдирмоқда.

Натижада мазкур ҳудудлардаги лизинг олувчилар томонидан 2004 йилда юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Жамоа шартномаси шарофати

«Хоразмавтойўл» йўл қурилиш хусусий шўба ташкили касабга уюшма кўмитасининг 1770 нафар аъзоси бор. Жорий йилда маъмурият ва касабга уюшма ташкили ўртасида имзоланган жамоа шартномаси асосида уларга 17 миллион сўмлик маддий ёрдам берилди. Шунинг 310 минг сўми касабга уюшма ташкили томонидан ажратилди. Ишчи-хизматчиларнинг тўй ва маъракаларига бир ойлик миқдорда маддий ёрдам ҳамда бепул транспорт хизмати кўрсатилди.

ЙЎЛСОЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ОЙЛИК

Корхона асосан йўл қурилиш билан шуғулланади. Шу сабабли ишчи-хизматчилар кўпчилик ҳолларда турли ҳудудларда юришларида тўри келади. Жамоа шартномасида кўнма иш характерига эга бўлган ишчиларга 20 фоиз миқдорда қўшимча ойлик иш ҳақи тўлаб бериш кўзда тутилган ва бу амалда тўлиқ қўлланилмоқда. Касабга уюшма кўмитаси ҳар бир ишчи-хизматчинини туғилган кўни муносабати билан жамоа аъзолари ўртасида табриқлаб, бир ойлик маош миқдориде мукофотлашни одад тусида қиритган.

Жамоада фахрийлар, уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларни хурмати катта. Байрамларда мукофотланадилар, сихаттоқларга бепул йўлланмалар ажратилди. Ўтган даврда 15 нафар фахрий бепул йўлланма билан таъминланди. Ҳар бир ишчи-хизматчига кунига 850 сўмдан оватқат пули берилмақда. Янги йил, 8-март, Наврўз, Мустақиллик

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ҲАҚИҚИЙ СИНОВ

Ангрэн шахрида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги коллеж ва лицей ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаси якунланди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва маддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори асосида мунтазам ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларининг мақсади иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, имкониятларини юзага чиқариш, халқаро олимпиадаларга тайёрлаш ва иштирокони таъминлашдан иборат. Тошкент вилояти миқсиде ўтказилган мазкур олимпиадада 320 нафар ўқувчи иштирок этди. Ун олти ўқувчи ўз йўналишида биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЯНГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Фарғона туманидаги паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган турта ширкат, хўжалигини тугатиш ва уларнинг негизиде янги фермер хўжаликларни ташкил этишга оид ишлар қизғин давом этяпти. Жумладан, Х.Турсунқулов номили ширкат хўжалигининг 625 гектарга яқин ер майдонини ўз эгасини топди. Бу ерда 17 та янги фермер хўжалиги ташкил этилди. Хўжаликнинг ерлари талабгорларга танлов асосида тақсимланди. Танлов ғолибларининг олти нафари ўз экин майдонини кенгайтирган илғор фермерлардир.

«Ишонч»га жавоб берадилар

КАТТА САБОҚ

Газетамизнинг ўтган йил 163 сониде «Лоқайдлик - қалб фалаҳи» сарлавҳали танқидий мақола босилган бўлиб, унда Хоразм вилоятдаги «Сантехзамотаж» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат хавфсизлиги масаласига етарли эътибор берилмаётганлиги, бунинг оқибатида бахтсиз ҳодисалар рўй бераётганлиги танқид остига олинган. Ушбу танқидий чиқси юзасидан Хоразм вилояти ҳокимлигининг қуйидаги жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Танқидий мақола масъулияти чекланган жамият жамоаси, мутахассислари ўртасида атрофчиқа кўриб чиқилди, унда келтирилган далиллар тўла тасдиқланди. Ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошган бош муҳандис А.Янгибоев, иш юритувчи М.Назаровага хайфсан эълон қилинди. Газ пайвандчи Р.Болтаев эса бошқа ишга ўтказилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазе қилиш бошқармаси томонидан жамият раиси ва бош механикка нисбатан жазима қўлланди. Бахтсиз ҳодиса туфайли ҳаётдан бевақт бўлган юмган ишчи Р.Аллабагановнинг оиласига олти ойлик ўртача иш ҳақи миқдоридеги нафақа пули ундириб берилди ва баалоғатга етмаган фарзандларига ҳар ойда 28.072 сўм миқдориде тавон пули бериб бориш белгиланди.

Масала кўндаланг қўйилади

умидлар билан тикланган иморатларнинг холига маймунлар йиғлайди. Оромгоҳ охиридаги, ошхона учун мўлжаллаб барпо этилган бинонинг томи ўпирилиб тўшибди. Тўри, шунча катталикдаги, қолаверса, неча миллион сўм сарфлаб барпо этилган жой ҳеч қандай мақсад учун фойдаланилмаёпти, деб бўлмади. Бизга агросаноат хо-

таси ихтиёрида бўлган оромгоҳ 2003 йилдан эътиборан туман ҳокимлиги ихтиёрига ўтказилди. Натижада оромгоҳ ҳар хил сабаблар рўқаб қилинган ҳолда ўтган йилга келиб фаолият кўрсатмади.

Бир йил олдин тумандаги 920 нафар бола ёзи таълими мазкур оромгоҳда ўтказган бўлса, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич кескин камайиб кетди ёки атиги 200 нафар атрофидаги ўқувчигина ана шу имкониятдан баҳраманд бўлди, холос. Улар ҳам анча узокликдаги, Наманган туманининг «Соҳил» болалар дам олиш масканига бориб хордиқ чиқаришга мажбур бўлдилар.

Олисдаги оромгоҳга боласини жўнатиб қўйган ота-она ўйида тинчгина, беҳавотир ўтиради, деб ҳеч ким айта олмади. Ундан кейин бир неча буюр транспортни алмаштириб, шунча масофага бориб келишнинг ўзи бўлмади. Шунинг учун туппа-тузуқ ишлаб турган оромгоҳ тўсатдан фаолиятини тўхтатганлиги ўқувчиларни соғломлаштиришга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Хўш, оромгоҳнинг фаолият кўрсатишини ўз зиммасига олган туман ҳокимлиги бу масалага қандай муносабатда бўлмоқда? 2005 йилда болалар оромгоҳи ишлайди? Бу саволга у ердаги мутасаддилар тайинли жавоб қайтаришмади. Улар турли баҳоналарни рўқаб қилишдан нарига ўтшимаяпти...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

«ЙЎҚОЛГАН ОРОМГОҲ»

бунга туман ҳокимлиги қандай муносабатда бўлмоқда?

диган айвончалар барпо этилган. Дов-дарахтлар билан ўралган 6,5 гектар майдон, унинг юқорисида ойнасимон кўл. Қирғоқларни силаб-сийлаб оқаётган канал ҳам гўёки шу ерда оромгоҳ бунёд этилиши учун яратилгандек. Дов-дарахт ва об-ҳаётнинг сероблиги учун нафас олиш шунчалик енгил эди-ки, ҳар гал ҳаво симирагиниғизда гоятад енгил ҳис қиласиз ўзиниғизни ва тўрт йил илгари туман ҳокимлиги ушбу масканда болалар оромгоҳи ташкил этиш учун қарор қабул қилганиде нақадар тўғри иш қилганлигига имон келтирасиз. Биз юқорида оромгоҳнинг қўрилиши ва табиатини тилга олиб ўтдик. Унинг бугунги ҳолати-чи? Афсуски, унинг хозирги қўрилиши кишида ачиниш, меҳрибон туйғусини уйғотади, холос. Дарахтларнинг шох-шаббалари синган, не-не

димири туман касабга уюшма кўмитасидан маълумот беришларича, 3 та қоровул ишлаяпти. Айни чоғда улар шунча кенг ва кўп жиҳатдан қулайликлар мавжуд жойдан шахсий мақсадлар учун фойдаланиб туришибди. Биз борган кўни Билолдин Омонов постни-эгаллаб улфатлари билан чақчақлашаётган экан. Сал наридаги тўрт-беш қорамол кимниқилигини сўраганимизда, ўзига қарашли эканлигини айтиди.

Соғломлаштириш мақсадида очилган ушбу марказий оромгоҳ дастлабки 2001 йилда уч сменада 960 нафар болани қабул қилди. 2002 ва 2003 йилларнинг ҳар бирида 920 нафар ўқувчининг хордиқ чиқаришига эришилди. Дастлабки икки йилда таъминоти ва назорати агросаноат мажмуи ходимлари вилоят тармоқ касабга уюшма кўми-

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

Иброҳим ака, Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқи тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этишдир. Негаки, Навоий ҳазратларининг ижоди биз учун улуг бир маърифат мактабидирки, уни ўқиб-ўрганганимиз сайин маънан юксалиб, руҳан покланиб бораверамиз. Айниқса, мустикаликдан кейин Навоий шахси ва ижодиётига муносабат тубдан янгиланди. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Агар бу зотни авлиё десак, у - авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак - мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак - шоирларнинг султони», деган эътирофларини эслаш жоиздир. Ана шундай улуг зот ҳақида китоб ёзиб, уни элу юртга манзур этиш учун Навоий даражасида фикрлаб, буюк заргардек илм-маърифатга, салоҳиятга эга бўлмоқ зарурга ўхшайди. Миллатимиз қалбини уйғотган Ойбек эса ана шундай оламшумул эзгу ишни утдилади. Сухбатимизни Ойбекнинг Навоийшунослик фалояти ҳақидаги фикрлар билан давом эттирсак.

Алишер Навоий ижодиёти - буюк шахс, беназир санъаткор ақл-идроқи, фикрий изланишлари, руҳий юксалиши ва эркидан яралган бутун бир олам. Унинг юзага чиқиш тарихи, албатта, биздан узоқ. Лекин ҳаётини нафаси, моҳияти, ҳақиқат ва гўзалликлари сарҳадсиз, яъни боқийдир.

«...Ҳа, адиб бетиним ишда, Ҳар босилган йўлдан илҳом теради. Яна қай куй, ниҳат, куртаги ниҳда, Қўнда бўстони, ё ўтмиш дарди?»

Утмиш ўз кундан қаддини буюиб, Ҳамон ўлжа олар биздан дамларни. Битмас газнасига гаввосдай чўкиб Адиб тимий терди жаҳоирларни...

Ойбек соҳилингда турар чинордай, Барча улканлигин завқли ниҳода. Бир сўнгисиз қарвонга тизилган нордай Толларинг таъзимда турар қирғоқда.

Давом этар йўлда адиб ҳаёти...

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ, «Ойбек ишляпти!» дейди насллар... Ўз кўрқини кўриб тасвирларда «Ойбек ишляпти!» дейди асрлар... Зулфия

Бундоқ қаралганда Навоий ўқувчидан кўп нарас талаб қилмайди, бош талаб битта: англаш. Англашда чалғиш ва ноҳорлик бўлмаса, - қолгани ўз-ўзидан ўнгиланиб кетади. Мана бу байтни ўқинг. То ғамдадур Навоий, анча дахр тийрадур, Шод англамас улусни биров бўлса қайғулик.

Бу фикрнинг оддий баёни бундай: ғам-ғусса Навоийнинг кўнглига ҳоким экан, дунё унга тийра-зим-зиё бўлиб кўрилади. Чунки биров қайғу қучоғида нафас олса, у халқни шод кўрмайди ва шод англамайди. Шундай аҳволдаги кишининг ганини холис деб бўладими? Навоий айтмоқчи, инсон ким бўлишидан қатъи назар, ўзининг шахсий майли ва кайфиятлари билан чекланиб на олам, на эл-улус аҳвол-руҳиясидан бонг урмаслиги лозим. Бу эса ҳақиқатга етишиш ва ҳақиқатдан баҳс юритишнинг муҳим шартидир. Ойбек Навоий яшаб ижод этган тарихий давр, адабий-маданий муҳит хусусида сўз юртданга, биринчи галда Навоийнинг ўз кўрсатмалари, эътирофи ва маълумотларига суянган. Уша замонларда ва ундан кейин яратилган энг мўтабар илмий, тарихий, адабий манбалар билан пухта танишиб, бири-бирдан мазмундор ва ўқишли тадқиқотларини яратган. Уларда Навоийнинг шахси, дунёқараши, ижодиётининг моҳият қудрати ва бадиий жозибаси хусусида илгари сурилиши зарур бўлган хулосавий фикр-мулоҳазаларни биринчилар қаторида айтган эди.

«Навоий ҳаёт кечириб қайғуси, подшоҳ ва беклардан инъомлар олиш орзуси билан саройга яқинлашган шоирлардан жуда узоқ эди. У замонасининг энг пешкадам маданий ва адабий арбобларидан эди», - дейди Ойбек.

Дарҳақиқат, таъма ва хушомад, яхши яшаш қайғуси ва мадждолик ҳар қандай истеъдодни ҳам адоий тамом айлашини Навоий кўп қўрган ва бунга қайта-қайта иқдор бўлган. Алишер Навоий шох ва шоир Хусайн Бойқаронинг яқин дўсти, мусоҳиби эди. Бойқаро саройида у олий лавозимларда хизмат қилган. Шунга қарамастан: Шох хизматида бировки бўлмай мейил, Кўру қару лангу шал керактур ҳосил,

дейди у. Лекин ҳақиқат курашчиси бўлган Навоий подшо олдига «кўр, қар, ланг ва шал» аҳволда қўл қовуштириб туролмасди. Ойбек бунинг сабабларини ишонли тарзда изоҳлаб, далиллар тилида исботлаб беради. Кейинги пайтларда Навоий ва Навоий шеърятининг тасаввуфга алоқадорлиги ҳақида кўп ёзилди. Ҳатто уни сўфий шоир деганлар ҳам бўлди. Холбуки, Ойбек «Навоий адабий мероси масаласига доир» мақола-сидида бу муаммонинг гўё бутун ечимини кўрсатганди: «Навоий лирикиси орасида фалсафий - сўфийона фикрларни ифодолончи ёки тасаввуф руҳи билан сугорилган ғазаллар топилди. Лекин Навоий ҳаёт-бахшликни севган. Инсоннинг, ҳаётнинг баркамол бўлишини ҳаёл қилган шоир эди. У ўзини дарвеш деб аташни севса-да, у на дарвеш, на

деган эди. Ойбекнинг Ҳазрат Навоий «панжа»

III. «ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...»

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудирини, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан мулоқот

«...Ҳа, адиб бетиним ишда, Ҳар босилган йўлдан илҳом теради. Яна қай куй, ниҳат, куртаги ниҳда, Қўнда бўстони, ё ўтмиш дарди?»

Ҳамиша ҳаёлимда, онгимда афсонавор бўлиб гавдаланган Навоийни Ойбекимиз реал бир сиймо қилиб кўзим олдига келтириб қўйди.

Тарих қатламларидан у Навоийнинг қўлидан етаклаб бизнинг кўчга, менинг уйимга олиб келди. Шу Ойбек туйғайли улуг бобомнинг табаррук дийдорини кўрдим. Ҳар сўзи дурга татийдиган суҳбатидан баҳраманд бўлдим.

«Навоий»ни кечалари бедор ўқир эканман, Ойбек ҳам назаримда Навоийдек табаррук одам бўлиб туюларди. Ҳеч қачон мен у билан учрашаман, деб ўйламаган эдим.

Ойбек ўз китоблари билан мени ёзувчи қилди, адабиётимизнинг муаззам даргоҳига чорлади.

Саида ЗУННУОВА

«...Ҳа, адиб бетиним ишда, Ҳар босилган йўлдан илҳом теради. Яна қай куй, ниҳат, куртаги ниҳда, Қўнда бўстони, ё ўтмиш дарди?»

Утмиш ўз кундан қаддини буюиб, Ҳамон ўлжа олар биздан дамларни. Битмас газнасига гаввосдай чўкиб Адиб тимий терди жаҳоирларни...

Ойбек соҳилингда турар чинордай, Барча улканлигин завқли ниҳода. Бир сўнгисиз қарвонга тизилган нордай Толларинг таъзимда турар қирғоқда.

Давом этар йўлда адиб ҳаёти...

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ, «Ойбек ишляпти!» дейди насллар... Ўз кўрқини кўриб тасвирларда «Ойбек ишляпти!» дейди асрлар... Зулфия

сига панжа» уриши ҳам осон эмасди. Лекин паҳлавон адибимизнинг Навоий мавзусидаги асарлари, айниқса, унинг романи миллатимизнинг икки буюк сиймосига қўйилган бадиий ҳайкал. Улардан бири Навоий, иккинчиси Ойбекнинг ўзи.

«Навоий шеърятини ва Навоий образини ҳамиша кучли бир қўш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратибга зўр майл, орзу, истағим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гиркант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърятини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди.»

«Навоий» романида адибнинг ушбу хотиралари эпиграф қилиб олинган. Асарда биз бир йўла маънавийимизнинг икки буюк сиймоси билан юзлашамиз. Асар қахрамони Навоийнинг эзгу фазилатлари, самимиети, қўйинги, гал-сўзлари замирида Ойбек закоси, унинг қалб ҳароратлари акс

«Навоий» романида адибимизнинг Навоий мавзусидаги асарлари, айниқса, унинг романи миллатимизнинг икки буюк сиймосига қўйилган бадиий ҳайкал. Улардан бири Навоий, иккинчиси Ойбекнинг ўзи.

«Навоий шеърятини ва Навоий образини ҳамиша кучли бир қўш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратибга зўр майл, орзу, истағим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гиркант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърятини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди.»

«Навоий» романида адибнинг ушбу хотиралари эпиграф қилиб олинган. Асарда биз бир йўла маънавийимизнинг икки буюк сиймоси билан юзлашамиз. Асар қахрамони Навоийнинг эзгу фазилатлари, самимиети, қўйинги, гал-сўзлари замирида Ойбек закоси, унинг қалб ҳароратлари акс

«Навоий» романида адибимизнинг Навоий мавзусидаги асарлари, айниқса, унинг романи миллатимизнинг икки буюк сиймосига қўйилган бадиий ҳайкал. Улардан бири Навоий, иккинчиси Ойбекнинг ўзи.

«...Ҳа, адиб бетиним ишда, Ҳар босилган йўлдан илҳом теради. Яна қай куй, ниҳат, куртаги ниҳда, Қўнда бўстони, ё ўтмиш дарди?»

Утмиш ўз кундан қаддини буюиб, Ҳамон ўлжа олар биздан дамларни. Битмас газнасига гаввосдай чўкиб Адиб тимий терди жаҳоирларни...

Ойбек соҳилингда турар чинордай, Барча улканлигин завқли ниҳода. Бир сўнгисиз қарвонга тизилган нордай Толларинг таъзимда турар қирғоқда.

Давом этар йўлда адиб ҳаёти...

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ, «Ойбек ишляпти!» дейди насллар... Ўз кўрқини кўриб тасвирларда «Ойбек ишляпти!» дейди асрлар... Зулфия

хавфи, синфийлик ва партиявийлик шартлари, биринчидан, адибни ичдан чеклаб, ҳақиқатни бутун миқёси ва бўй-баста билан ифодалашга имкон бермаган бўлса, иккинчидан, Навоий характер-хусусиятларини гоҳо ортик даражада силқиллаштириш ва жилолаштиришга мажбур этган. Шунинг учун тил ва услубдаги порлоқликдан баъзан кўз қамашса, баъзида оҳанг ва ижтимоий манза-

рларда табиийлик етишмаслиги сезилади. Аммо адиб мафкуравий талаб ва ҳукмронликни қанчалик эътиборга олмасин, ҳар турли бемаъни заҳарли айблов ва тухматлардан бе-насиб этилмаган. Уни ҳам миллатчиликда қоралашган.

Аслида бунга ажабланмаслик керак. Чунки мустабилликка асосланган давлатда, зулм оловида «қозон» қайнатадиган ҳар қандай салтанатда назорат ва назоратчилик ишларига ҳаддан зиёд даражада кўп куч сарфланган. Шахсияти эркинликка мойил ҳар бир одамнинг қадими кузатилган, фикр ва сўзлари тафтишдан ўтказилган. Кайфиятлари ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Ҳокимият хоҳлаган нарсасини кўриб, истаганини эшитиб, ҳамма жойда ҳозир нозирлигини билдириб турган. Зеро, қуллик ва қарамлик муҳитида амалдорларнинг назорати ва аралашувисиз бир одам ҳам юриб бўлмаган. Негаки, уларда «Кеча нечун ундок эмас, бундоқ йўталдинг», - дейиш даражасидаги маълумот тўпланиб турган. Бунда эса деярли барча ижтимоий табақа «вакил»ларининг хизматидан фойдаланилган. Ва шундай бир қўрқув, таҳлика ҳарбаини яратилганки, ҳатто қўчадаги гадой ҳам «эмин-эркин» гадойчилик қилиб юргани учун давлат арбобларини, албатта, дуо қилган. Шулари ҳамма-ҳаммасини кўриб, билиб, қатагонлар даврида яна шахс эрки ва миллат гурурини кўндаланг қўйиб асар яратиш - бунини мен қалб матонати деб биламан. «Навоий» романида аввал қўрилмаган, илганмаган ёки ёритишнинг имкони бўлмаган «қатлам»лар кўп. Уларни очиб олам.

«Ойбек «Адабиёт - бу тарих, тарих бу адабиёт» деган. Адаби-

ёт инсониятнинг ақлий ва ҳиссий даражасини кўрсатувчи ойна бўлса, тарих эса ўтмишни ёритувчи «ҳақиқат чиргоғи». «Навоий» романида инсон қалбини уйғотиб, уни нуриятладиган ана шу икки буюк куч ўзаро уйғунлашиб кетган. Назаримда адиб тарихий воқеаларни тасвирлаш орқали нафа-

«...Ҳа, адиб бетиним ишда, Ҳар босилган йўлдан илҳом теради. Яна қай куй, ниҳат, куртаги ниҳда, Қўнда бўстони, ё ўтмиш дарди?»

Утмиш ўз кундан қаддини буюиб, Ҳамон ўлжа олар биздан дамларни. Битмас газнасига гаввосдай чўкиб Адиб тимий терди жаҳоирларни...

Ойбек соҳилингда турар чинордай, Барча улканлигин завқли ниҳода. Бир сўнгисиз қарвонга тизилган нордай Толларинг таъзимда турар қирғоқда.

Давом этар йўлда адиб ҳаёти...

Буюк бу уйқуни этаркан ардоқ, «Ойбек ишляпти!» дейди насллар... Ўз кўрқини кўриб тасвирларда «Ойбек ишляпти!» дейди асрлар... Зулфия

қат Навоий даврини қаламга олган, балки қатагоннинг кескир қиличи остида ҳақиқатга яшаётган халқ иродаси, фожияларини, бир сўз билан айтганда, элнинг қалбини яралаган замон иллатларини Навоий образи орқали ўқувчига тақдим этди. Шундай эмасми?

«Ушбу саволга юқорида қисман жавоб бердим. Қўшимча шуки, Ойбек тарих ва замон фожияларининг туташ ўзанларини топмаганида, уларни мо-зий «кўз»ида аксантириш мумкинлигига инонмаганида Навоийга бағиш-лаб роман ёзмади. Навоий тилидан бир ўринда: «Ҳақ сўзини айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қўлатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур», - дейилади. Реал ҳаётда аҳвол ўша даврда қандай эди? Ҳақ сўз, эркин фикр туйғуси ўшанда бутунлай мажрўх - пажмурда қилинган. Тўғри гап, адолатли талаб учун одамларни қинаш, жа-золаш ва қурбон қилиш оддий «хуна-рға айланган». Шунинг учун романда кўп фикр-мулоҳазалар мустикалик қарашга соҳиб китобхонда, «Ўтмишда-қу, ундок экан, бугун энди қандок?» деган савол пайдо қилган. Табиийки, унга қатагонлар даврида очик жавоб бериб бўлмаган...

Умуман, ўлимдан зулм ёмон. Чунки ўлим инсонни зулмнинг қўлига топширмайди, ҳар кун, ҳар соат жонни эзиб тақдирламайди, балки абадий осудаликка эриштиради. Шунинг учун қатагон қилиш бош кесаётган ўша даврларда иродаси буш, руҳан ожиз одамлар яшаш ва курашишдан қўра ўлимини афзал қўришган. Бунини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

«Ойбек Навоий ҳақида гапирганда, айниқса, қўларни бошқача қанба кетарди. У ўзини худди ўша қадим даврда шахсан кириб боргандай, Ҳиротни ўз уйдик, қадрдон Тошкент кўчаларидек ҳис қиларди, ҳаёлан ўша замон гирдобига кезарди.

«Ойбек Навоий ҳақида гапирганда, айниқса, қўларни бошқача қанба кетарди. У ўзини худди ўша қадим даврда шахсан кириб боргандай, Ҳиротни ўз уйдик, қадрдон Тошкент кўчаларидек ҳис қиларди, ҳаёлан ўша замон гирдобига кезарди.

НАВОИЙ
Асрларга элтиб ҳаблани,
Баъзан ёрқин қўраман чолини...
Нуроний юз, нуроний соқол,
Қўлариди муҳаббат, малол.

Даҳо порлар пешонасидан,
Гўё қўёш булут ичидан.
Буюк кўнгли ва буюк фикр
Мавжуд қабри, чизгиларда биш,
Қўрқам, мағрур, оз эғиб боши,
Қўёқ жиддий қиприги, қоши.
Ниғоҳининг маъноси нодир:
Шундай боқар файласуф шоир.
Чехрасида ҳаёт мазмуни,
Тажрибалар ясамини уни.
Донишманд чол, улуг руҳга хос
Бир табассум - тавсифга сигмас.
Тавозини самимий, илқ,
Ҳаракати нозик ва силқик,
Нафис бутун сиймоси, саси,
Нафис ишқи, ғами наъласи...

ни илгари суришлари билан мутлақо келишолмайдилар. Чунки улар Россия шароитида бойликка хуруж этиш, мартаба ортидан қувиш, ҳашамдор иморатларда яшаш зўравонликни қўллаш, зулмга ён бериш мазмунига тенг эканлигини яхши билишган. Ҳақиқий ёзувчи - улуг санъаткор миллат виждони. У адабиётнинг юксалишини миллатнинг моддий аҳволидан айри тарзда тасаввур этолмайди. Шу учун ҳам буюк Л.Н.Толстой «Жамият аҳли ҳали оч ва қашшоқ экан - чинаккам санъатга етишмоқ мумкин эмас», - деган. Бундай шароитда «Ёсаман - мана мен қойил-қайил ёзаман», «Гапирсам - мен котириб гапирман», «Фидойилик деса - мен фидойилик кўрсатаман», деган фикрларга қўнғилдан жой бериш, «мен...», «мен...»ларни кўпайтириб юборади. Бора-бора эса ҳар бир туйғу ва ҳар бир кайфиятдан «мен» деган илҳом эшитилади, улардан ҳар бири гўёки бир «шахсиятга» айланади. Бу «маком»га етган ижодкор борки, ҳамма унинг оғзига термулишини, ҳамма унинг раёига бўйсунушини ва уни олқишлашини истади. Ундаги ҳасрат, надомат, алам ва норозилик - буларнинг бари, кўпичина даҳолик касалини яратиш ёки хаспўшланиш воситаси бўлиб қолади. Энг ёмони, у халқдан ажралади, халқ учун қуйиниш, ҳақиқатни сўзлаш, «рол» бажаришга дўнади. Ойбекнинг ҳаққонияти - ростликда, ростлиги - хоксорликда, хоксорлиги - фидойиликда эди. Уни китоб, бил-им, адабий малака эмас, балки энг аввало инсон эрки ва қадри учун қуйиб-ёниш, миллат дарду ҳасратларига чора излаш туйғуси Навоийга яқинлаштирди.

Чумолида қимирлар одам,
Чумолида йўқдир қиммати...
Бу бир миллий ғусса эди. Бунақа аҳвол, бунақа қисмат Ойбекнинг бағрини эзарди. Шунинг учун «Навоий» романидаги айрим лавҳалар, ғам-ғуссага тўлиқ ижтимоий турмуш манзаралари Навоийнинг қалб андуҳларини ифодалайдими ёки Ойбекнинг илҳомли бунни фарқломай қолмасин. Маънан ва руҳан шу даражада Навоийга унсият бор Ойбекда.

Мурид муриднинг қандок севса ва унинг руҳониятига қандок таслим бўлса, Ойбек ҳам Навоийнинг шундоқ севган, даҳо шоиримизнинг абадий мунаввар руҳидан илҳомланган.

«Оддий немис халқи - Гётеини, оддий французлар - Мольерни, ҳатто инглизлар Шекспирни ўқишмайди...», деган энди И.С.Тургенев.

А.Твардовскийнинг ёзишича, ҳатто ёш ижодкорларнинг Пушкинни ўрганиши хрестоматик билим чегарасидан нари ўтмайди. «Ёш шоирларнинг шеърларида ишқ мавзуси гарчи кенг ўрин эгалласа ҳам, улар Пушкиннинг муҳаббат лирикасини чинакамга ўқиб ўрганмаган», - дейди Твардовский. Бу муаммо бизда ҳам бор. Баъзи ёзувчи, шоирда ўқиш нари

турсин, Навоий ижодиётига яқинлашши истаги йўқ. Ҳар кимнинг Навоийга борадиган алоҳида дил эҳтиёжи, ўзининг йўли бўлиши зарурлигини ҳаёлга ҳам келтиришмайди улар.

Бунинг бир сабаби: бизда кўпчилик «Навоий» романини ўқимаган. Ўқиган бўлса ҳам кунт ва меҳр ила мутлола қилмаган. Чунки роман билан чўқур танишгандан сўнг Навоийнинг ҳам бетимсол Шахсига, ҳам муаззам ижодиётига қўнғилдан боғланмаслик ва тағлимасликнинг сира иложи йўқ. Агар Ойбек Навоий образини чўнг меҳр ва маҳорат билан яратмаганида, биз мутафаккир бобомизни балки хозиргидан бошқачароқ қўйфа ва хира-роқ моҳиятда тасаввур этардик. Ойбек Навоий характери, дунёқараши, ижодиётини нуриятладиган энг муҳим хусусият, энг порлоқ фазилат ва ҳақиқатларини самовий илҳом завқи ила очиб берган. Бу фақат санъат шавқи ва адабиёт манфаати билан чеклаб бўлмайдиган бир тарихий хизмат, маърифий-маънавий жасоратдир. Шу босндан ҳам Навоийга меҳр ва эҳтиромни юртимизда энди ҳеч қачон Ойбекка меҳр-эҳтиромдан узоқ ҳолда ҳаёлга келтириш мумкин эмас.

Сухбатдош: Амина КОДИРОВА, «Ишонч» махсус муҳбири



Спорт ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Тахиятош шаҳрида эркин кураш бўйича халқаро турнир якунланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистондан юздан зиёд полвон куч синашди.

Мезбонлардан Алишер Ёқуббоев, Баҳром Эрматов, Озод Ешатаев, Вади Полвонниёзов, самарқандлик Тоҳир Шодмонов, қозоғистонлик Аскар Бегжанов ва Женис Жақсибоев ўз вазн тоифалари бўйича голиб қикди.

Қизлар ўртасида нукуслик Роза Тажимуратова ва Жамила Абдусатторова, тошкентлик Раҳима Юнусовага тенг келадиган топилмади.

Орамиздаги кишилар

МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Мурод Ҳазраткуловнинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксяк унвонга сазовор бўлганлиги хақидаги хушxabарни эшитганлар дилдан қувонишди. Бойси санъат шайдоси бунга муносиб эканлигини аллақачон исботлаган.

Ишни дастлаб мусаввирликдан бошлаган Мурод ҳарбий хизматдан сўнг Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши йўланмаси билан Тошкент Давлат маданият институтига ўқигача кирди. Маданий оқарув ишлари факультетини имтиёзли диглом билан тугаллаб кадрдон Талимаржон шаҳридаги Навоий номи маданият марказида фаолиятини давом эттиришга қарор қилди. Дастлаб директор муовини, сўнг марказ раҳбари бўлиб фаолият кўрсатди.

Ҳеч бир тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди, дейди Қарши бош канали-

Маданият марказида бўлади. Бу ердаги орасталик, саранжом-сарихшаллик марказ жамоасига нисбатан ҳурмат уйғотилади. Марказ қошидаги кутубхонада вақти-вақти билан китобхоналар конференциялари, ёзувчи ва шоирлар, санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказиб туриш одат тушини олган.

«Ўзбекистон — Ватаним меним», «Балли, аскарлар», «Аскар қўшиқлари фестивали» сингари кўплаб тадбирлар марказ дастуридан ўрин олган. Қисқа вақт ичида бадиий жамоалар орасида ташкил этилган «Маржон», «Сахро», «Севинч», «Нихол», «Олдизлар», «Асал» гуруҳлари халқимизга ўз санъатларини намойиш қилапти.

Маданият марказида ташкил этилган қўғирчоқ театрининг чиқишлари болажонларнинг жону дили. Театр жа-

моаси болалар боғчалари ва мактаб ўқувчиларининг энг азиз меҳмони.

Сидқидилдан қилинган меҳнат эртами-кеч албатта, муносиб баҳоланади. Мурод Ҳазраткулов Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси, Агроекономика мажмуи ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси, қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши, вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Унинг кўксини «Ўзбекистон республикаси сув ҳўжалиги аълочили» кўкрак нишони беэаб турибди. Айни пайтда у ижод билан ҳам ошнолик қилмоқда. Ўқувчилар қўлига теккан «Маданият гулшани» рисоласи кўпчиликка манзур бўлди. Камтарин, очиккўнгил санъат шайдоси бўлган Мурод Ҳазраткуловнинг ниътлари катта!

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири
Суратларда: 1. Муסיқа раҳбари Хуршида Қаюмова куй ижро этмоқда. 2. Мурод Ҳазраткулов санъаткорлар орасида. 3. Кутубхоначи Турсуноя Файзуллаева.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Инсон учун энг катта бойлик, қувонч бу унинг саломатлигидир. Зеро, инсон кўнгли хотиржам, саломатлиги мустаҳкам бўлса, бишида ривож, ўзида қатъийлик ва ишонч бўлади. Бинобарин доноларимиз «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деб бекорга айтишмаган. Жамият тараккиёти, халқ фаровонлиги аввало одамлар саломатлигига боғлиқ эканлиги бугунги кунда хар бир кишига аён.

ри ижросини амалда таъминлаш мақсадида шифохона ҳудудида 404 та янги оила тиббий куриқдан ўтказилди ва 5 йилга диспансер назоратига олинди. Шунингдек, 65 та ҳолатда касаллик аниқлиниб, со-

СОҒЛИҒИМИЗ УЧУН АВВАЛЛО ЎЗИМИЗ МАСЪУЛ

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Вилоятдаги 3-шаҳар шифохонаси 170 ўринга эга бўлиб, унинг тасарруфида терапия, неврология, травматология, септик-жаррохлик бўлимлари, 2 та катталар поликлиникаси ва бир неча ёрдмчи бўлимлардан иборат бўлган шифохона фаолият кўрсатарди. Утган йили вилоят клиник шифохонаси очилиш муносабати билан септик жаррохлик бўлими вилоят шифохонаси тизимига ўтказилди. Шунингдек, шаҳардаги шифохоналарнинг ўхшаш бўлимлари қискартирилди. Яъни, кардиология, неврология, гастроэнтерология, травматология бўлимларида қискартириш амалга оширилди.

Тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, шунингдек, қискартриш натижасида бекор бўлиб қолган ходимларни ўзи билан таъминлаш мақсадида шифохона бош хақими ташаббуси билан бевосита раҳбарлиги остида барча кулайликларга эга бўлган хирургия, урология, кордиоревматология ва неврология сингари ҳўжалик ҳисобиди бўлимлар очилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, функционал диагностика бўлими ҳам ташкил этилди. Шу билан бирга ўтган йили шифохонани таъмирлашга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бунинг учун жами 20 миллион 436 минг 700 сўм сарфланди. Бу маблағнинг 7 миллион сўми ҳомийлар томонидан, 13 миллион 436 минг сўми пуллик хизматдан тушган маблағ ҳисобидан қолланди.

2004 йилда шифохонада 3211 нафар бемор даволанди. «Меҳр ва муруват йили» Давлат дастурига асосан шифохонада кам таъминланган, кўп болали оилалардан ёрдамга муҳтож бўлган 27 нафар бемор дар-



дига даво топди. Уларнинг даволашни учун 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Инсон саломатлиги учун, аввало ўзи масъул эканлигини тушуниб етгандагина соғлом турмуш тарзини шакллантириш мумкин. — дейди шифохона бош хақими Ботир Абдуллаев. — Шунинг учун одамлар соғлигини муҳофазалаш борасида профилактика ишлари билан бирга тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам доимий равишда ташкил этилса, ижобий самара беради.

Келахак авлоднинг соғлиғи биринчи навбатда аёлларнинг саломатлигига боғлиқ. Хотин-қизларни тиббий куриқдан ўтказиш, соғломлаштириш, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларда экстагенитал хасталиқлар аниқланганда, алоҳида рўйхатда олиниб, соғлигини тиклаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили 99,2 фоиз аёллар тулик ва сифатли тиббий куриқдан ўтказилди. Уларнинг маълум қисми диспансер кузатувига олиниб, поликлиника ва шифохона шароитида соғломлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси қароридида даво топди. Уларнинг даволашни учун 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Вилоятдаги 3-шаҳар шифохонаси 170 ўринга эга бўлиб, унинг тасарруфида терапия, неврология, травматология, септик-жаррохлик бўлимлари, 2 та катталар поликлиникаси ва бир неча ёрдмчи бўлимлардан иборат бўлган шифохона фаолият кўрсатарди. Утган йили вилоят клиник шифохонаси очилиш муносабати билан септик жаррохлик бўлими вилоят шифохонаси тизимига ўтказилди. Шунингдек, шаҳардаги шифохоналарнинг ўхшаш бўлимлари қискартирилди. Яъни, кардиология, неврология, гастроэнтерология, травматология бўлимларида қискартириш амалга оширилди.

Сурайё АГЛАЕВА, «Ишонч» мухбири

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Ер юзидида энг катта чўл Африка қитъасининг шимолий қисмида жойлашган Сахро Кабир ҳисобланади. Унинг майдони 8 400 000 квадрат километр бўлиб, бу умумий куруқлик майдонининг салкам саккиздан бирига тенг. ...

Энг узок муддатга чўзилуви ёмғирлар Гавайинг Луаи оролидаги Вай Але Але тоғида кузатилган. Бу ерда йилнинг 350 кун давомида ёмғингарчилик тизилган. ...

Вьетнамлик Ва Хай Дао дунёдаги энг пақана одам деб эътироф этилмоқда. Унинг бўйи бир метрга кам етмайди - 85 сантиметр! Вази эса 14,5 килограмм. Хозирда 22 ёшга кирган вьетнамликнинг бўйи бу даражада усмай қолмишига 4 ёшида дучор бўлган оғир касаллик сабаб бўлган. ...

Марказий Осиёдаги энг кекса киши 114 ёшли Доно Раҳимова ҳисобланади. У асли туркменистонлик бўлиб, ҳозир қўшни Тожикистонда яшайди. ...

Энг кекса талаба. Унинг қимлигини биласизми? Маълум бўлишича, бу шведиялик 79 ёшли Хельге экан. Қўлига мамлакатларда ўқишга кириш ёш чегараланган. Лекин Швецияда бундан мустасно. Шунинг учун ҳам Хельге абитуриент бўлишга аҳд қилиб, ўқишга имтиҳон топширган. Хозир Хельге бува неваралари билан бирга таълим оляпти - биринчи босқич талабаси.

Шамсиддин НУРИДДИНнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изхор этилди.

Маданият хабарлари

«АЯЖОНЛАРИМ»

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ижодида драма асарлари еттакчи ўрин тутарди. Чунончи, унинг «Аяжонларим» деб номланган комедияси ўз вақтида томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган эди.

Орадан бироз муддат ўтиб, бу постановкага бўлган эҳтиёж ортди. Томошабинларни хушнуд этиш мақсадида бу сафар Абдулла Қаҳҳор номидаги сатира театри хайрли ишга қўл урди. Хозир янги спектаклни сахналаштиришга таралдууд қўрилмоқда. Бу қувноқ спектакл театр актёрлари ижросида ўзига хос сахнавий режиссурада талқин этилади.

РОМАННИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ

Ўзбек романчилиги мактабига асос солган Абдулла Қодирийнинг насрий асарлари санъатнинг бошқа жанрларида ҳам ўзига кенг йўл очмоқда. Ёзувчининг «Уткан кунлар» романининг ўзи бир неча бадиий асарларнинг юзага келишига хизмат қилди. «Отабек ва Кумуш» деб номланган янги саҳна асари ҳам шу роман асосида яратилмоқда. Томо-

ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛАРИ

Академик ёзувчи Ойбек таваллудининг юз йиллигига республикамиз саҳна усталари тайёргарлик ишларини бошлаб ўборишди. Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам бу санага тарадууди катта.

Актёрлар махсус адабий-бадиий композиция билан юбилейни нишонлашга қарор қилдилар. Унда Ойбек ҳаёти ва ижодининг муҳим хизматлари акс этган воқеалар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, санъат қозонаси ўз мухлисларини яна бир қизиқарли постановка билан хушнуд этмоқчи. Бу спектакл ҳам Ойбек ижоди билан боғлиқ бўлиб, адибининг умр йўлдоши Зарифа Саидносова қаламига мансуб «Ойбегим менинг» китоби асосида саҳна юзичи кўради.

А.АЛИЕВ

Биласизми?

Маълумотларга кўра, музқаймоқ иxtиро этилганга қадар мева сувлари га қор ва муз аралаштириб ичилган. Хиндистон ва Эронни босиб олишда Искандар Зулқарнаи музқаймоқ ёрдам берган экан.

МУЗҚАЙМОҚ ТАРИХИДАН

Гап шундаки, лашкарбоши иссиқ кунларда ўзини ёмон ҳис қилар ва шу боис кўпинча қўшинларини қайтариб олиб кетмоқчи бўларди. Бунинг олдини олиш учун харбий бошлиқлар узокдаги тоғ чўққиларидан қор ва муз олиб келиш тадбирини кўришарди.

Қадимда музқаймоқ энг тансиқ таомлардан ҳисобланган. Уни тайёрлаш усули сир сакланар ва саройдаги музқаймоқ тайёрлаш усуллари аста-секин Европада ҳам қўлланила бошланди. Масалан, Францияда музқаймоқ XVII асргача маълум бўлган.

1660 йили италиялик тадбиркор Парижда музқаймоқ дўкони очди. Орадан 16 йил ўтгач, Париждаги бундай дўконлар сони 250 тага етди. 1780-йилларда музқаймоққа сут махсулотлари қўшиб тайёрлана бошланди. XIX аср охирида такомиллашган музлатувчи машиналар иxtиро қилиниши музқаймоқ ишлаб чиқаришда катта воқеа бўлди. Шундай қилиб, дастлаб фақат сарой кишиларини тановул қилишлари мумкин бўлган музқаймоқни кейинчалик ҳамма бемалол истеъмол қиладиган бўлди.

Баъзи талабаларга хайронсан: уч-тўрт йил Тошкентда ўқиб, ўқимай «кучайиб» қолишди. Мен эса башқачаман. Ўзим Богдодин Буюзов қишлоғидан бўлсам-да, молтаб-мас-ман. Тошкентга ота юртдан эмас, ўсган жойим эна юрт — Олтариқдан келганман. Олтариқда турупу узум, бодиринг-содиринг экиб тирикчилик қилсамам дипломиллардан яхши яшайман-у, лекин бир томондан ота орзуси; кейин Тошкентни тилвизорда кўравериб меҳр курғир тушиб қолган, хиёбонлари, оймичалари чиройли... Шунга шўтти танлаганман. Барибир катта шаҳарнинг гашти ўзгача-да. Қишлоқда қўшни кизга бир кўз тиксанг, водийда дув-дув гап. Байда сен билан бирорнинг иши йўқ. Шундай бўлгач, бутта ўқини ким орзуламайди, дейсиз.

Учинчи курогача ялло қилиб юрдим. Отам-ортимдаги танка, мадад бериб турди. Бирок танка техника эмасми, ёни туғаб зағнаси емирлгандек, учинчи курслигимда отахонинг «мадори куриди». Бу ёқда «кантрактик»-ман. Домалар сўроғига сакволансанг,

«танка» бенажот-у, «кантрак» пули насия бўлгач, қийин бўларкан... Бе-парволикларим ўрини тушкунлик эгаллади. Бир кун ўлар дунёда сал кўнгли ёзай, деб кўчада бир-икки ўзимга

ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАН «АКАДЕМИК» ҲАЖВИЯ

ўхшаш «хуноби ошганлар» билан улфатчиликдан сўнг, ширайқойлақ дон ўглидек гердайиб ётоққа қилиб келсам, қаршимдан чиққан учта бола кўзимга ажинадек кўриниб кетди. Шунда мен оғзидидаги сўяк аксини сувда кўрган итдек уларга ташланганимни элас-элас эслайман. Эртасига деканатда масалам кўриди. Кайфлигу шўхликларим бир дард, кантрак пули тўланмагани кўш дард бўлиб, ўқийшдан ҳайдалдим... Уч йил фақир киши пананда, деб бодирингзорларда каллани дам олдиридим...

Кейин яна талабалгим қистаб қолди. Бу дунёда битмайдиган ишининг ўзи йўқ экан. Фарғонадан Тошкентга ота-бола бузчининг мо-

кисидек чопдик. Бу югуриқларга отамнинг офтобда қатик ялаган дўстлари-ю турупу бодиринг пули қўл келди. Хуллас, Тошкентга талабалгимнинг олтинчи йили яна қадрдон учинчи курсга тикландим.

Мана шунча гаплар... Хаммаси яхши бораётгани-ю, эҳ аттанг, сўнггиши ўхшамаси-да. Саккиз йил деганда олийгоҳни тугатдим. Реформизм тақсимот пайтида менга навбат келганда совуққича қилиб шундай деб қолди: — Узоқроққа, ўз юртига жўна-тинлар. Қутилайлик, шу — «вечний» талабадан! Тўтоқиб кетдим. Ахир, отадек қадрдон бўп қолган Тошкани тарк этиш осонми?! — Домла! — дедим ўрнимдан даст туриб. — Битта саволим бор эди? — Нимайди? — деди ректор ўтирган жойида энсаси қотиб.

Шартта бориға кўчдим: — Ахир, шунча йил чидадим. Саккиз йил... айтишга осон... Институтингиз шароитини академикларингиздан ҳам яхши биламан! Бари домларлар таниш, қўли улфатим. Ахир, мендай киришимли одамни қайдан топасиз? Олиб қолмайсизми, институтда? Бирга — бирга ишлардик. Керак бўлса, илм қилардик...

Ректор ҳам ўрнимдан шахт турди. Оғиз жуфтлаб нимадир демокчи бўлди-ю, лекин тили калимга келмай яна жойига шилқ этиб ўтириб қолди. Кейин аста бош чайкаб пичирлади: — Ҳмм... ўргилдим сандақа «академик»лардан...

Бошқа гапларини англаб бўлмади. Ҳолсиз ректорини икки домла қўлтиғидан суяганча ташқарига олиб чиқиб кетишди. «Тагин нима демокчи эди у?». Билолмадим... Олиб қолишадими-йўқми, бу ҳам ҳозирча номаълум... Эҳ, қолдиришганда институтдаги ҳамкурсларим ёнида уна-мунча илм қилиб, ростақамига академик бўларимдим...

Ахир, шунча йил чидадим. Саккиз йил... айтишга осон... Институтингиз шароитини академикларингиздан ҳам яхши биламан! Бари домларлар таниш, қўли улфатим. Ахир, мендай киришимли одамни қайдан топасиз? Олиб қолмайсизми, институтда? Бирга — бирга ишлардик. Керак бўлса, илм қилардик...

Ректор ҳам ўрнимдан шахт турди. Оғиз жуфтлаб нимадир демокчи бўлди-ю, лекин тили калимга келмай яна жойига шилқ этиб ўтириб қолди. Кейин аста бош чайкаб пичирлади: — Ҳмм... ўргилдим сандақа «академик»лардан...

Ахдам ДАМИН

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.